

БАНАЖУВРОДНОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 31 (534)

2006 йил 9 август

БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари экспертлари делегациясининг 2006 йил 24 июлдан 28 июлгача давом этган Германияга ташрифи доирасида ҳамкорлик ҳақида янги битимлар имзоланди.

Ўзбекистон делегацияси ташрифининг асосий мақсадлари мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлайдиган замонавий немис ускуналари ва минитехнологияларини етказиб бериш имкониятларини ўрганиш, шунингдек Германиянинг молия-кредит институтлари билан музокаралар олиб боришдан иборат эди. Музокаралар чоғида Ўзбекистонга ускуналар етказиб беришни молиялаш вариантлари муҳокама қилинди.

Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, ЎзР ТИФ Миллий банки ҳамда "Пахта Банк" раҳбарлари, фермер хўжалиқларининг вакиллари ва бошқалардан иборат бўлган экспертлар гуруҳи ускуналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқди.

Ташриф давомида Германиянинг тижорат банкларида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда икки томонлама ҳамкорлик масалалари, шу жумладан Ўзбекистонга технология ускуналарини етказиб беришни молиялаш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар натижасида Ўзбекистон Республикаси Миллий банки билан Коммерцбанк АГ ўртасида ҳамкорлик тўғрисида баённома ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодиёт миллий банки билан Банкгезельшафт Берлин АГ ўртасида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

АҲОЛИ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

«Ўзсаноатқурилишбанк» ресурс потенциалини кўпайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилмоқда. 2006 йил 1 июл ҳолатига депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлар 312,7 млрд.сўмга етди. Жумладан, муддатли ва жамғарма депозитларнинг умумий қолдиқдаги улуши 85,6 млрд.сўм ёки 39 фоизни ташкил этди.

Бунда асосий эътибор банк фаолиятининг кескин ривожланиб бораётган йўналишларидан бири ҳисобланган аҳолининг юқори сифатли банк маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талабларини қондиришга ва хусусий мижозларга хизмат кўрсатишга қаратилмоқда. Аҳолидан жалб этилган маблағларнинг ўсиб бораётганлиги уларнинг банкка бўлган ишончи янада ортаётганлиги ҳамда банкнинг молиявий барқарорлик даражаси юқорилигини кўрсатади. Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» хусусий мижозларга коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш бўйича кенг имкониятлар яратиш бермоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисобкитоблар механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида аҳолидан электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, маиший хизматлар ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилиш учун 113 та махсус касса очилди. Аҳолига қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг коммунал хизматлар бўйича қарздорлигини камайтириш мақсадида банк томонидан истеъмолчиларнинг бевосита яшаш жойларида хизмат кўрсатувчи кўчма кассалар ташкил этилди. Жорий йилнинг I ярим йиллигида жамғарма ва махсус кассалар орқали 27,5 млрд.сўмлик коммунал тўловлар қабул қилиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробарга ошди.

Лайло АЗИЗОВА.

«ТАШРИФ» РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Ташриф» (Кўкун шаҳри) кредит уюшмасига фаолият кўрсатиши учун тегишли лицензия берилди.

«Ташриф» кредит уюшмасининг фақат пул маблағларида ташкил топган устав фонди 12,2 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда шакллантирилди.

Кредит уюшмаси ўз фаолиятини асосан ўз аъзолари – кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаш, уларга лизинг хизматларини кўрсатишга қаратади.

Ҳозирги пайтда республикадаги кредит уюшмалари сони 32 тага етди.

Марказий банк Матбуот хизмати.

БУ СОНДА:

2

Банклар ва ҳомийлик

Bankgesellschaft Berlin AG:

Мақсадимиз —

ҳамкорликни

ривожлантириш

6

Банклардаги актив

виситалар аудитини

такомиллаштириш

7

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 8 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	938,62
1 Англия фунт стерлинги	2337,83
1 Дания кронаси	211,79
1 БАА дирҳами	333,98
1 АҚШ доллари	1226,63
1 Миср фунти	213,79
1 Исландия кронаси	17,47
1 Канада доллари	1091,11
1 Хитой юани	153,82
1 Кувайт динори	4241,75
1 Россия рубли	45,82
1 Украина гривнаси	242,90
100 Ливан фунти	81,72
1 Малайзия ринггити	335,42
1 Норвегия кронаси	200,42
1 Польша злотийси	407,63
1 Сингапур доллари	780,80
1 СДР	1823,18
1 Туркия лираси	835,29
1 Швеция кронаси	171,84
1 Швейцария франки	1003,87
1 ЕВРО	1579,53
10 Жанубий Корея вони	12,76
10 Япония иенаси	107,11

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«САВДОГАР» — МОЛИЯ БОЗОРИДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР БИЛАН

Мамлакатимиз банкларининг бугунги фаолияти асосан иқтисодиётда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга йўналтирилган. Бунда асосий эътибор банкнинг молиявий бозордаги мавқеини кенгайтириш, банк капитали, активлар ва ресурслар базаси сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Банк ва мижоз ўртасида ўзаро муносабат ўрнатишнинг асосий тамойили — улар билан самимий мулоқотда бўлиш, мижоз талабларини бажариш, янги банк хизматларини таклиф этишдир. «Савдогар» банки ҳам молия бозорига рақобатбардош банклар қаторида ўз стратегияси, мавқеига эга банк.

Банкнинг жами нақд пул тушуми ўтган ярим йил давомида 142 млрд. 57 млн. сўмни ташкил этган бўлса, нақд пул чиқими 129 млрд. 613 млн. сўмни ташкил этди.

Айни вақтда банкнинг 4 та жамғарма кассаси, 40 та коммунал ва бошқа тўловларни йиғувчи мобил пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, пластик карточкалар ти-



зимини такомиллаштириш мақсадида жорий йилда 51400 та пластик карточка амалиётга жорий этилиб, 600 дона терминал, жумладан 527 дона терминал савдо хизматлари кўрсатиш учун ва 28 дона терминал банк хизматлари кўрсатиш учун ўрнатилди.

Пластик карточкалар орқали жорий йилнинг биринчи ярми давомида 843 млн. сўмлик тўловлар амалга оширилган. (Давоми 2-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 8 август ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1227,00	1230,00	1580,00	1600,00
"Асака" банки	1227,00	1230,00	1580,00	1586,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1229,00	1232,00	1580,00	1590,00
"Пахта Банк"	1229,00	1232,00	1583,00	1586,00
"Халқ банк"и	1227,00	1230,00	1580,00	1595,00
"Ипотекабанк"	1227,00	1230,00	1567,00	1575,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1227,00	1228,00	1580,00	1582,00
"UzKDBбанк"	1227,00	1235,00	1580,00	1603,00
"Фаллабанк"	1227,00	1230,00	1580,00	1585,00
"Трастбанк"	1227,00	1228,00	1580,00	1590,00
"Алп Жамол банк"	1227,00	1235,00	1580,00	1591,00
"Алоқабанк"	1227,00	1230,00	1579,90	1603,60
"У-Т банк"	1227,00	1230,00	1581,00	1600,00
"Туронбанк"	1227,00	1232,00	1580,00	1584,00
"Савдогар" банк	1227,00	1235,00	1580,00	1590,00
"Ипак йўли" банки	1227,00	1231,00	1580,01	1585,16
"Микрокредитбанк"	1228,00	1232,00	1581,00	1586,00
"Туркистон" банк	1228,00	1230,00	1570,00	1600,00
"Даврбанк"	1227,00	1235,00	1580,00	1595,00
"Кредит-Стандарт" банки	1227,00	1230,00	1580,00	1600,00
"Капитал банк"	1227,00	1228,00	1579,00	1603,00
"Содерат банк"	1227,00	1235,00	1520,00	1590,00
"Ҳамкорбанк"	1230,00	1235,00	1580,00	1600,00
"Универсалбанк"	1227,00	1235,00	1580,00	1590,00
"Парвинабанк"	1227,00	1230,00	1580,00	1582,00



КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, кадрлар билан ишлашни ташкил қилиш тажрибаси фақат иш жараёнида, йиллар давомидаги ўрганишлар, изланишлар асосида юзага келади.

Шуни инобатга олган ҳолда акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" илғор тажрибаларни оммалаштириш, кадрлар билан ишлаш хизматларининг савиясини ошириш мақсадида минтақавий семинарлар ташкил қилмоқда. Навбатдаги минтақавий семинар Бухоро шаҳрида ўтказилиб, унда аввалги семинарлардан фарқли ўлароқ Бухоро, Навоий вилоят бошқармаларининг кадрлар билан ишлаш бўлимлари ходимлари билан бир қаторда бевосита шаҳар, туман филиалларидан ҳам мутаасадди ходимлар таклиф қилинди.

Семинар муҳокамасига киритилган раҳбар кадрлар захираси билан ишлаш услублари, кадрлар билан ишлаш борасидаги иш юритишни янада мукамаллаштириш масалалари юзасидан "Пахта Банк"нинг маъсул ходимлари Ж.Ким, Д. Азимова, Г. Юсуповлар маъруза қилди. Банк юридик бошқармасининг бошлиғи М. Искандархўжаева эса "Пахта Банк" тизимида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва кадрлар билан ишлаш хизматининг Ўзбекистон Республикаси "Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиқадиган вазифалари мавзусида сўз юритиб, семинар иштирокчиларининг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳисса қўшди.

Кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича қизгин мунозаралар ўтказилиб, семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Минтақавий семинарлар бугунгача Тошкент, Жиззах, Бухорода бўлиб ўтди, август охи мобайнида эса Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ўтказилади.

Банк тренинг маркази.

«САВДОГАР» — МОЛИЯ БОЗОРИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Банкда олиб борилган кескин ислохотлар ва тизимни ривожлантириш учун амалга оширилган сиёсат натижасида банк активларининг умумий миқдори 1 июл ҳолатига 68,7 млрд. сўмга етди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,4 млрд. сўмга ошди.

Банкнинг жами сармояси 2006 йил 1 июл ҳолатига 8,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган даврга нисбатан 5 млрд. сўмга ёки 256 фоизга оширилди.

Барчамизга маълумки, 2006 йил 22 июнда республика Президенти Фармони билан "Савдогарбанк" Ўзбекистон-Германия "Савдогар" акциядорлик-тижорат банкига айлантилди. Айни вақтда хорижий инвестор — «R&D Express-Aussenhandels GmbH» (Германия) ва республикадаги йирик қўшма корхоналар банк акциядорларидир.

2006 йил 1 июл ҳолатига республикамизнинг барча ҳудудларида банкнинг 33 та филиали ягона баланс дастурида фаолият кўрсатмоқда.

Мини-банклар тармоғини кенгайтириш, корхона ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, деҳқон ва фермер хўжалиқларига қулай шароит яратиш мақсадида 57 та, жумладан, Самарқанд вилоятида 21 та, Жиззах вилоятида 9 та, Тошкент вилоятида 13 та мини-банк ташкил этилди.

Ресурслар базасини мустаҳкамлаш банк сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлгани сабабли корхона ва ташкилотларнинг маблағларини депозитларга, аҳолининг бўш маб-

лағларини омонатларга жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам омонатларга тўланадиган фоиз ставкаларининг аҳоли талабларига мос равишда ишлаб чиқиши аҳамиятли ҳисобланади. Жорий йилда янги турдаги яна 2 та юқори даромад тўланадиган «Омад» ва «Рағбат» муддатли омонатлари жорий этилди. Омонатлар миқдори 2005 йилнинг 1 ярмига нисбатан 1,6 марта ошди ҳамда 2006 йил 1 июл ҳолатига 10,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банк кредити энг самарали манба ҳисобланади. Банк бўйича 2006 йил 1 июл ҳолатига кредитлар қолдиғи 42468 млн. сўмни ташкил этган.

Шунингдек қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва маҳсулотлар етиштириш самардорлигини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиғи техникалари, тиркамалар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун жами 285 млн. сўм кредит ажратилди, деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорва молларини кўпайтириш мақсадида 61,4 млн. сўм миқдорда микрокредитлар берилди.

Банк бўйича 2006 йил биринчи ярим йиллиги давомида барча манбалар ҳисобидан 3095 млн. сўм кредит маблағлари кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди.

Жумладан, саноат соҳасига 300 млн. сўм, қишлоқ хўжалиғи соҳасига 670 млн. сўм, савдо ва умумий овқатланишга 1400 млн. сўм қурилиш соҳасига 210 млн. сўм ва бошқа соҳаларга 515 млн. сўм ажратилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Кредит ташкилотлари ўз тушунчаларига мос бўлган ва молиявий имкониятлари йўл қўядиган турли воситалар билан жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Банклар тўғридан-тўғри реклама қилиш кўпинча аниқ мақсадни кўзлайдиган маркетинг стратегиясига қараганда камроқ самара беришни тушунадилар. Улар банк хизматлари бозорига банкнинг обрўси ва нуфузини шакллантиришга ёрдам берадиган ҳамда жамоатчиликнинг ижобий муносабатини қўллаб-қувватлайдиган ҳар қандай амалий алоқалардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Ишлари юришиб турган банк учун маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш, "қарши алоқани" қўллаб-қувватлайдиган ишларга бош қўшиш ҳамда маҳаллий аҳоли учун имкон қадар "очиқ" бўлиш эҳтиёжи мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда озгина бўлса-да йирик ҳисобланган ҳар қандай банкка хилма-хил "илтимосчилар" — хайрия жамғармалари ҳам, оддий фуқаролар ҳам мурожаат қилиб турадилар. Улар маҳаллий жамоатчилик билан ишлаш борасида чинакам муваффақиятли дастурларни амалга ошироқдалар. Масалан, "Toronto Dominion" банки кўпдан-кўп филиалларга эга. Банк маҳаллий ҳамжамият билан муносабатларни йўлга қўйишга катта эътибор беради. У одатда ижтимоий фойдали ишни яхши бажарган ҳар қандай одамни мукофотлайди. Танловда хоҳловчиларнинг ҳаммаси қатнашади. Танлов шартлари одатда маҳаллий ОАВда эълон қилинади ва мукофотлаш маросими ҳам маҳаллий телевидение орқали кўрсатилади. Кўпинча у ёки бу банк филиали ходимлари ёки мижозларининг болалари голиб бўлади. Шу тариқа банк маҳаллий аҳоли билан анча яқин, "ишончли" муносабат ўрнатади.

Банклар бевосита ҳомийлик, меценатлик ва хайрия ишларини олиб борадилар.

ХОМИЙЛИК

Ҳомийлик — банкнинг обрўсини оширишга ёки оладиган фойдасини кўпайтиришга имкон берадиган маданий-маърифий ишларни ва спортни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўлиб, ҳомий тадбир яқунлари бўйича ана шунга эришишни умид қилади.

Ҳомий банк объектни танлар экан, у ўзига кўрсатилаётган хизматлар бўйича иложи борича кўпроқ коммуникатив фойда беришини ва тижорати самарали бўлишини, ОАВ максимал даражада жалб этилишини кўзлайди.

БАНКЛАР ВА ҲОМИЙЛИК

Миллий менталитетимизнинг асоси бўлмиш меҳр-шафқат, эзгулик каби фазилатлар халқимизнинг азалий маънавий қадриятлари жумласига киради. 2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганлиги кредит-молия муассасалари орасида ҳам хайрия ишлари кўламини кенгайтириш учун кучли туртки бўлди.

Республиканинг тижорат банклари хилма-хил контрагентлар — хусусий шахслар, тадбиркорлик тузилмалари, банкларро бозордаги бошқа банклар билан иш олиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси ўз пулларини тижорат банкларига ишониб топширади. Бутун банк тизими ва банк фаолиятининг замини бўлган ишончга эса меҳнат билан, узоқ йиллар давомида эришилади.

Хайрия фаолиятининг бир тури бўлган ҳомийликнинг афзаллик томонлари куйидагилардан иборат:

- истеъмолчини тижорат билан боғлиқ бўлмаган вазиятда ўзига жалб этиш. Шунга мувофиқ харидорнинг ишончсизлик билан қарши камада;
- рақиблардан ошқора ажралиб туриш имконияти;
- марка тимсолини яратиш ва унинг нуфузини, обрў-эътиборини ошириш;
- реклама кампаниясини қўллаб-қувватлаш;
- бизнес бўйича шериклар ва кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш;
- имижни шакллантириш ва танилиш;
- ҳомийлик билан боғлиқ воқеага уйғунлашиш.

Мухими шуки, сарфланган маблағлар банкнинг молиявий имкониятларини намойиш қилиб, шу тариқа банк хизматларини истеъмол қилувчиларнинг барча қатламларига таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари банклар давлат тузилмаларининг тадбирларига ҳомийлик қилишда қатнашиб, кўпинча минтақада ва вилоятда ўз манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Шу тариқа, молия-банк тузилмалари учун ҳомийлик самарали коммуникатив восита бўлмоғи керак.

Ҳомийлик банкка машҳур спортчини, жамоани, санъат арбоби ва шу кабиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини беради. Банк ўз "оталиғидагиларнинг" муваффақиятлари туфайли оммавий ахборот воситаларида қайта-қайта тилга олинади.

Францияда халқ банклари гуруҳи (Group Banque populaires) ўта замонавий тримаран спорт кemasи қурилишини ҳомийлик объекти қилиб танлади. Раҳбарлардан бирининг фикрича, спортнинг

бу тури кенг жамоатчилик назарида жасорат, мардлик, ирода ва тадбиркорлик руҳи билан уйғунлашиб кетади. Банк ушбу лойиҳага "Биз ўз лойиҳасини амалга оширишда охиригача ҳаракат қиладиганлар билан сафдошмиз" деган шиор остида қўшилди. Банкларнинг спорт тадбирларини молиялашда қатнашиши онда сонда эмас, балки жамоанинг ютқиши ёки кеманинг аварияга учраши билан боғлиқ хатарларга дуч келмаслик учун узоқ муддатли бўлиши керак. Шу билан бирга, банк спорт тадбирларига ўз ҳамкорлари ва муҳим мижозларини таклиф қилиши мумкин. Шу тариқа улар банк вакиллари билан норасмий вазиятда мулоқот қиладилар. Бу эса янада ишончли муносабатлар ўрнатилишига ёрдам беради.

МЕЦЕНАТЛИК ВА ХАЙРИЯ

Ҳомийлик ва меценатлик тушунчаларини бир-бирдан қатъий фарқлаш керак, чунки ҳомий меценатдан фарқли ўлароқ, тижорат мақсадини — фойда олиш мақсадини кўзлайди. Унинг учун шахсан машҳур бўлиш, банк ва унинг маркасини реклама қилиш, янги ҳамкорлар ва мижозлар жалб этиш зарур. Меценатлик ва хайрия, ҳомийликдан фарқли ўлароқ, но-тижорат фойда олишга асосланади. Улар банк тадбиркорлиги самарали бўлишига билвосита таъсир кўрсатади. Меценатлик ва хайрия негизда инсонпарварликка, жамиятда уйғунлик ва жипслашишга интилишни акс эттирувчи ахлоқий қадриятлар ётади ва улар тадбиркорлик маданияти юксак бўлган тақдирдагина пайдо бўлиши мумкин. Банкда тадбиркорлик маданияти қанча юқори бўлса, у жамиятда ўз фалсафасини, ўз вазифаларини илгари сурадиган меценат сифатида шунча кўп иш олиб боради.

Бу тамойилнинг ривожланиши давлатнинг ушбу ҳодисага қандай қарашига ҳам кўпроқ боғлиқ бўлади. Кўпгина мамлакатларда хайрия ишлари тадбиркорларга катта имтиёзлар берилганлиги сабабли кенг ёйилди.

Хайрия кўпинча қайтариб бермаслик асосида тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатиш ёки хизматлар, етказиб берилган ва сотиб олинган ускуналар учун ҳисобварақлар бўйича ҳақ тўлаш шаклида намоён бўлади.

Хайрия ишлари билан шуғулланаётган банклар кўп эмас ва бу ҳол ҳозирги хайрия ишлари банкларнинг мунтазам ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятидир, дейишга имкон бермайди.

Франция банклари мамлакатда меценатликни ривожлантиришда кашшоф бўлди. Ҳозир уларнинг меценат корхоналар орасидаги улуши 20 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Франциянинг CDC банки меценатлик билан 80-йилларнинг ўрталарида шуғуллана бошлади. Ушанда банкда маданий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус бўлим очилган эди. Шундан бери CDC меценатликнинг учта асосий йўналишига: мусиқа санъати, ёшлар ижоди ва бирдамлик тадбирларини ўтказишга содиқ қолишга ҳаракат қилиб келди.

Банклар меценатликка қилинадиган харажатларни стратегик харажатлар деб ҳисобламаслиги сабабли, бу ҳол айниқса нохуш ҳодисалар кучайиб борган даврларда харажатлар қисқаришига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, маданий тадбирлар маълум даражада алоҳида амалга оширилишини таъминлаш имконини берадиган махсус жамғармалар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг банкларимиз ҳам мамлакатимиздаги хайрия ва меҳрибонлик анъаналаридан четда тураётганлари йўқ. Бугун улар муҳтожларга ёрдам беришга тайёр ва бунинг учун ўз имкониятларидан фойдаланмоқдалар. Хайрия соҳасидаги тажрибани умумлаштириш ва кенг ёйиш зарур. Банкларимиз аста-секин пухта ўйланган хайрия сиёсатида ўтишлари керак.

Зотан, хайрия маънавий қониқиш ҳиссини туғдирибгина қолмасдан, шу билан бирга банкларга тўғридан-тўғри фойда ҳам келтиради. Хайрия — банкка ишончи мумкинлиги ва у истиқболли эканлигининг билвосита кўрсаткичи, яхши имижга эга бўлиш, келажақда эса обрўли банкка айланишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

**Инновациялар бўлими
томонидан тайёрланди.**

симлаши лозим.

Банк 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидан банк биносидан ташқарида жойлаштирилган шохобчаларига (10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар») мадад пулини жўнатганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширадilar:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари» **Кредит** 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар» ҳисобварағига мадад пули кириш қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

43. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки минибанк жисмоний шахслардан коммунал хизматлар ва бошқа йиғимлар бўйича тушган нақд пулларни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кириш қилиши лозим:

Агар шу банкнинг миждозларига тегишли бўлса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит «Мижоз ҳисобварағи»

Агар бошқа банк миждозига тегишли бўлса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит 29804 - «Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

44. Бошқа банк миждозларига тегишли бўлган маблағлар шу куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказиб берилиши шарт:

Дебет 29804 - «Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар»

45. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки минибанк ўз миждозларининг омонатларига нақд пул қабул қилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

Кредит 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари»

Кредит 20406 - «Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари»

Кредит 20606 - «Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари»

46. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки минибанк ўз миждозларининг омонатлари ҳисобидан нақд пул берса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари»

Дебет 20406 - «Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари»

Дебет 20606 - «Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари»

Кредит 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

47. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ёки минибанк ҳисобварағига кириш қилинган мадад пули ҳамда кун давомида миждозлардан кириш қилинган нақд пуллар миқдоридан харажат қилишга рухсат этилади, амалиёт куни якунлан-

ганда қолдиқ сумма тўлалигича 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали беркитилиши лозим:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар»

48. 10111 - «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар» ҳисобварағи қолдиғи кун охирида беркитилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

VIII. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари томонидан тижорат банкларининг айланма кассаларидаги ортиқча нақд пулларни қабул қилиш амаллари бўйича бухгалтерия ҳисоби

49. Тижорат банклари нақд пуллар захирасидан ортиқча нақд пулларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларига жўнатганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширилади:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари» **Кредит** 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

50. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари айланма кассасига тижорат банкларидан келтирилган нақд пулларни кириш қилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 21314 - «Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари нақд пулларни айланма кассасига кириш қилгандан сўнг, шу заҳотиёқ дастурий равишда тижорат банкига нақд пулларни қабул қилганлиги тўғрисида тасдиқномани жўнатиши шарт.

51. Ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари айланма кассасига кириш қилинган нақд пуллар учун тижорат банкларига маблағ ўтказиб берилганда, қуйидаги якунловчи бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21314 - «Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 10311 - «Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олинishi лозим бўлган маблағлар» (16103 - «Марказий банк /филиал /агентликларнинг, филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлари» ҳисобварағи орқали)

52. Тижорат банкларига Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларидан топширилган нақд пуллар учун тасдиқнома келиб тушганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширишлари шарт:

Дебет 10311 - «Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олинishi лозим бўлган маблағлар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

53. Тижорат банкка топширилган нақд пуллар учун Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларидан маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан қуйидаги якунловчи бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21314 - «Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ҳисобварағи)

Кредит 10311 - «Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олинishi лозим бўлган маблағлар»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

2006 йил 15 июн

№ 13/6

Тошкент ш.

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА КАССА АМАЛЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ"НИ (ЯНГИ ТАХРИРДА) ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 24 июлда 1602-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 3 августдан кучга киради

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви

қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари» (янги тахрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу Қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 9 апрелдаги 6/16-сонли Қарори ва у билан тасдиқланган 604-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари» бекор қилинсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг ўринбосари А.Қ.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Раиси

Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2006 йил 15 июндаги
№ 13/6-сонли Қарори билан
тасдиқланган
№638**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА КАССА АМАЛЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банклар томонидан касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Банкларда касса амалларининг бухгалтерия ҳисоби «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»даги қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

- 10101- Айланма кассадаги нақд пуллар
- 10102- Нақд пуллар захираси
- 10103- Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар
- 10107- Банкоматлардаги нақд пуллар
- 10109- Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
- 10111- Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар
- 10307- Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар
- 10311- Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиниши лозим бўлган маблағлар
- 10507- Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар
- 16101- Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар

лар - Нақд пуллар

16103- Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар

16103- Марказий банк/филиал/агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари (Марказий банк)

17301 - Транзит ҳисобварақлари

19903 - Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар

19935 - Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар 21008 - Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган - Нақд пуллар

21307 - Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар (Марказий банк)

21314 -Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар (Марказий банк)

22202 - Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар - Нақд пуллар 29804 - Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари

29816 - Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар

Ушбу ҳисобварақлардан мижозларнинг депозит ва кредит ҳисобварақлари билан бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширишда фойдаланилади.

II. Банк филиаллари айланма кассаларида амалга ошириладиган кирим ва чиқим амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

2. Мижозлардан қабул қилинган нақд пуллар банк

3

айланма кассасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиниши лозим:

а) **Дебет** 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит «Мижозларнинг депозит ҳисобварағи»

б) агар кредитни қайтариш учун нақд пуллар топширилган бўлса:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит «Мижозларнинг тегишли кредит ҳисобварағи»

в) агар олинган кредитлар бўйича фоизлар тўлови нақд пулда амалга оширилган бўлса:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 16309 - «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

3. Банк айланма кассасидан мижозларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатларини, нафақа ва ёрдам пули, моддий ёрдам пуллари, дивидендлар ҳамда бошқа қонунчиликда тақиқланмаган нақд пул тўловларини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали чиқим қилиниши лозим:

Дебет «Мижозларнинг депозит ва кредит ҳисобварақлари»

Кредит 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

4. Айланма кассада ўрнатилган лимит миқдоридан ортиқча нақд пуллар суммаси 10102 - «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағига кирим қилинганда бир вақтнинг ўзида қуйидаги иккита бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидан нақд пуллар чиқим қилинганда:

Дебет 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

б) 10102 - «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағига нақд пуллар кирим қилинганда:

Дебет 10102 - «Нақд пуллар захираси»

Кредит 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

5. Банklar хар куни иш бошлашдан олдин ўз мижозларидан ёзма равишда тушган касса буюртманомаларидан келиб чиқиб, 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидаги маблағ етарли ёки етарли эмаслигини аниқлайди.

Агар маблағ етарли бўлмаса, у ҳолда 10102 - «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағидан айланма кассага маблағ чиқарилади ва бир пайтнинг ўзида қуйидаги иккита бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиши лозим:

а) 10102 - «Нақд пуллар захираси» ҳисобварағидан нақд пуллар чиқим қилинганда:

Дебет 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10102 - «Нақд пуллар захираси»

б) 10101 ҳисобварағига нақд пуллар кирим қилинганда:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

III. Банklarда мижозларнинг нақд пул тушумини инкассация қилишнинг бухгалтерия ҳисоби

6. Инкассаторлар томонидан мижозлардан йиғиб келинган пул маблағлари солинган инкассатор қоплари банklarнинг кечки кассаларига белгиланган тартибда қабул қилинади. Ушбу пул маблағлари солинган инкассаторлик қоплари кейинги иш куни эрталаб қайта санаш кассасига топширилади. Кечки касса томонидан юк хати асосида тайёрланган кирим рўйхатининг биринчи нусхаси қайта санаш кассасига ва иккинчи нусхаси банк бухгалтериясига топширилади ҳамда бухгалтерия ушбу кирим рўйхати асосида қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади:

а) инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар шу банк мижозига тегишли бўлса:

Дебет 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

Кредит «Мижоз депозит ҳисобварағи»

б) инкассаторлар орқали йиғиб келинган инкассаторлик қопларидаги нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича маблағлар бошқа банк ёки банкнинг бошқа филиали мижозига тегишли бўлса:

Дебет 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

Кредит 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

7. Қайта санаш кассасида инкассаторлик қопларидаги пул маблағлари белгиланган тартибда санаб бўлингандан кейин, нақд пул маблағлари банк айланма кассасига кирим қилинади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

8. Агар қайта санаш кассасида қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 29816 - «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар»

9. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари ушбу банк мижозига тегишли бўлса, у мижознинг ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29816 - «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар» **Кредит** «Мижоз депозит ҳисобварағи»

10. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари бошқа банк мижозининг 29804-«Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» ҳисобварағига шартномада келишилган ҳолларда ўтказиб берилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29816 - «Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар»

Кредит 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

11. Агар қайта санаш кассасида нақд пул маблағлари камомад чиққанлиги аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 19935 - «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар»

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

12. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси ушбу банк мижозига тегишли бўлса ва у мижознинг ҳисобварағидан шартномада келишилган шартларга биноан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет «Мижознинг депозит ҳисобварағи»

Кредит 19935 - «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар»

13. Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси бошқа банк мижозининг 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» баланс ҳисобварағидан шартномада келишилган шартларга асосан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 19935 - «Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар»

14. Бошқа банк мижозларига тегишли бўлган нақд пул бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, электрон мемориал ордер шакллантирилиб, вакиллик ҳисобварағидан шу куннинг ўзида, электрон тўлов тизими орқали, уларнинг ҳисоб-

варақларига ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи»

Кредит 22624 - «Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари» тегишли ҳисобварағига кирим қилинади (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

15. Маблағ олувчининг банкка электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи»

Кредит 22624 - «Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари» (ҳисобварақнинг тегишли шахсий ҳисобварағига кирим қилинади)

Агар банк томонидан 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» ҳисобварағидан мемориал ордер билан бошқа банк мижозларининг асосий депозит ҳисобварағига ёки акцизли товарлар сотувидан пул тушумлари суммаси ўтказилганда, ҳар бир акциз товар тури бўйича савдо тушуми суммасини алоҳида мемориал ордер орқали ўтказилиши шарт.

Пул маблағлари банк айланма кассасига электрон тўлов тизими ёпилгандан кейин кирим қилинган бўлса, бошқа банкдаги мижозларнинг ҳисобварағига пул маблағлари кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда ўтказиб берилади.

16. Қайта санаш кассасида аниқланган бошқа банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича тўловларнинг ўтказилишида инициатор (тўлов операциясини бошловчи) банк филиали томонидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиши лозим:

Дебет 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозит ҳисобварақлари» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

17. Бенефициар (тўлов операциясини яқунловчи) банкка электрон чек келиб тушганда, дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозит ҳисобварақлари»

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» (16103-«Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Бунда бошқа банклар ҳисоб-китоб чекларининг асл нусхалари инициатор банкда қолдирилади ҳамда кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига белгиланган тартибда тикилади ва сақланади.

18. Маблағ тўловчи ва олувчига бир банкда хизмат кўрсатилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозит ҳисобварақлари»

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

19. Филиаллари мавжуд бўлмаган банклар ўртасида амалга ошириладиган банклараро тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Бошқа банк мижозларига тегишли бўлган нақд пул

бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, вакиллик ҳисобварағи орқали шу куннинг ўзида, электрон мемориал ордер шакллантирилиб электрон тўлов тизими орқали, уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи»

Кредит 22624 - «Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари» тегишли ҳисобварағига кирим қилинади (10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

Бенефициар банкка яъни маблағ олувчининг банкка электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29804 - «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари» (10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

Кредит «Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи»

Кредит 22624 - «Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари»

(ҳисобварақнинг тегишли шахсий ҳисобварағига кирим қилинади)

Инициатор банк (тўлов операциясини бошловчи)да ҳисоб-китоб чеклари бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозит ҳисобварақлари» (10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар»

Бенефициар (тўлов операциясини яқунловчи) банкка электрон чек келиб тушганда, дастурий йўл билан, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали чиқим қилинади:

Дебет 20206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланadиган депозит ҳисобварақлари»

Кредит 19903 - «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» (10301-«Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

IV. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказ (кейинги ўринларда - ҲККМ)ларидан тижорат банкларига мадад пуллари бериш ва олиш амаллари бўйича бухгалтерия ўтказмалари

20. Тижорат банки Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲККМларидан нақд пул олиш учун ҳудудий Бош бошқармалари томонидан мадад пули бериш тўғрисидаги фармойишга асосан тегишли бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳудудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб-китоб касса марказларига маблағ жўнадиладар.

21. Филиали мавжуд бўлмаган инициатор банк мадад пули олиш учун, қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириши лозим:

Дебет 10307 - «Марказий банкдан олинishi лозим бўлган маблағлар-Нақд пуллар»

Кредит 21307 - «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар» (10301 - «Марказий банкдаги вакиллик 8 ҳисобварағи-Ностро» ҳисобварағи орқали)

22. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲККМларига мадад пули олиш учун маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 - «Марказий банкдан олинishi лозим бўлган маблағлар-Нақд пуллар» (16103 - «Марказий банк/филиал /агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлари»

ҳисобварағи орқали)

Кредит 21307 - «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

23. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари томонидан мадад пули жўнатилганда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

24. Филиали мавжуд бўлмаган инициатор банкка, ҲКМдан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан мадад пули келтирилганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10307 - «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар»

25. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларига филиали мавжуд бўлмаган инициатор банкдан мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21307 - «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

26. Инициатор банк филиалида (филиали мавжуд банкларда) Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларидан мадад пули олиш куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 - «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар- Нақд пуллар»

Кредит 21307 - «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Бенефициар банк филиалига, яъни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларига мадад пули учун маблағ келиб тушганда, дастурий равишда, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 - «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар-Нақд пуллар» (16103 - «Марказий банк/филиал /агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлари» ҳисобварағи орқали)

Кредит 21307 - «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

Бенефициар банк филиали, яъни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМлари томонидан мадад пули жўнатилганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Инициатор банк филиалига мадад пули келтирилганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10307 - «Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар- Нақд пуллар»

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲКМларига мадад пулини олганлиги тўғрисида, инициатор банк филиалидан тасдиқнома келганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 21307 - «Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

27. Тижорат банк филиаллари Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан бошқа тижорат банк филиалидан мадад пули олганда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Инициатор банк филиаллари мадад пули олиш учун

куйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали маблағ жўнатилади:

Дебет 10507 - «Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар-Нақд пуллар»

Кредит 21008 - «Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган - Нақд пуллар» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Бенефициар банк филиалига мадад пули учун маблағ келиб тушганда, дастурий равишда, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10507 - «Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар-Нақд пуллар» 16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлар» ҳисобварағи орқали

Кредит 21008 - «Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган -Нақд пуллар»

Бенефициар банк филиали мадад пули жўнатилганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Инициатор банк филиалида, яъни мадад пули олган филиалда эса олинган мадад пули суммасига куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10507 - «Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар - Нақд пуллар»

Бенефициар банк филиалига инициатор банк филиали томонидан жўнатилган мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келиб тушганда куйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 21008 - «Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган-Нақд пуллар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

28. Бир банк филиаллари ўртасида мадад пуллари бериш ва олиш бўйича бухгалтерия ҳисоби куйидаги тартибда амалга оширилади:

Инициатор банк филиали, яъни мадад пули олувчи филиал нақд пул олиш учун шу банкнинг бенефициар филиалига маблағ жўнатилганда куйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 16101 - «Бош банк/ филиаллардан олинаниган маблағлар - Нақд пуллар»

Кредит 22202 - «Бош банк/филиалларга тўлананиган маблағлар -Нақд пуллар» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Банкнинг бенефициар банк филиалига электрон тўлов орқали мадад пули учун маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 16101 - «Бош банк/филиаллардан олинаниган маблағлар - Нақд пуллар» (16103 - «Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлар» ҳисобварағи орқали)

Кредит 22202 - «Бош банк/филиалларга тўлананиган маблағлар -Нақд пуллар»

Банкнинг бенефициар филиали, яъни мадад пули жўнатувчи 22202-сонли ҳисобвараққа мадад пули учун маблағ келиб тушгандан сўнг, куйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари» **Кредит 10101** - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Банкнинг инициатор филиалига, яъни мадад пули олувчи банкка мадад пули келтирилганда куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 16101 - «Бош банк/филиаллардан олина-

диган маблағлар -Нақд пуллар»

Мадад пулини қабул қилиб олган филиал юқоридаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширгандан сўнг бенефициар филиалга яъни мадад пулини жўнатган филиалга мадад пулини қабул қилганлиги тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқнома жўнатади.

Бенефициар банк филиали яъни мадад пули жўнатган филиал, инициатор банк филиали, яъни мадад пули олган филиалдан белгиланган тартибда тасдиқнома келганда, бенефициар банк филиали томонидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 22202 - Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар - Нақд пуллар»

Кредит 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

V. Пул алмаштириш шохобчаларида кирим ва чиқим амалларини амалга оширишга доир бухгалтерия ҳисоби

29. Банкнинг айланма кассасидан пул алмаштириш шохобчаларига мадад пули олиб келинганда, мадад пули шохобча томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниши лозим.

Банк 10103 - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварағига мадад пулини жўнатганда, ҳар бир валюта (VV-валюта белгиси) бўйича алоҳида, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали чиқим қилади:

Дебет 10109VV - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101VV - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

30. Қабул қилинган мадад пули 10103 - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 10103VV - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 10109VV - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

31. Банкнинг бош бухгалтери банк амалиёт куни охирида ўзларининг пул алмаштириш шохобчаларининг «09009» маълумотномасида кўрсатилган

«Дебет» ва «Кредит» айланмалари умумий суммасига қуйидагиларни амалга оширади:

Пул алмаштириш шохобчаси хорижий валюта сотиб олиш учун сарфланган нақд пулнинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган сўмдаги умумий суммасига:

Дебет 17101000 - «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 10103000 - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

32. Пул алмаштириш шохобчаси хорижий валютани сотишдан тушган сўмдаги нақд пулнинг юкхатда кўрсатилган алоҳида ҳар бир хорижий валютадаги умумий суммасига:

Дебет 10103000 - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 17101000 - «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

33. Пул алмаштириш шохобчаси сотиб олинган хорижий валютанинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган алоҳида ҳар бир хорижий валютадаги умумий суммасига:

Дебет 10103VV - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 17101000 - «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

34. Пул алмаштириш шохобчаси сотилган хорижий валютанинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган умумий суммасига:

Дебет 17101 VV - «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 10103VV - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

35. Банк балансида 10103 - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварағидаги сўмдаги ва валютадаги қолдиқ пул алмаштириш шохобчалари кассирларидан олинган «09009» маълумотномасида кўрсатилган қолдиққа солиштирилади ва улар тенг бўлган тақдирда мазкур банк амалиёт куни белгиланган тартибда яқунланади.

Бунда, 10103 - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» қолдиғи 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари» ҳисобварағига ҳар бир валюта бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилиб қўйилади:

Дебет 10109VV - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10103VV - «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

36. Кейинги иш куни эрталаб, 10109 - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари» ҳисобварағидаги қолдиқни 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағига ҳар бир валюта бўйича кирим қилинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101VV - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10109VV - «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Агарда, пул алмаштириш шохобчаларидан олинган нақд пуллар қайта санаш кассасида қайта саналгандан сўнг камомад ёки ортиқча маблағлар аниқланса, белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

VI. Банкоматда кирим ва чиқим амалларини амалга оширишга доир бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

37. Банк 10107 - «Банкоматдаги нақд пуллар» ҳисобварағига мадад пулини белгиланган тартибда тақсимлаб бўлгандан сўнг ҳар бир банкомат бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

38. 10107 - «Банкоматлардаги нақд пуллар» ҳисобварағига мадад пулини кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10107 - «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

39. Банкоматдан пластик карточка бўйича харажат қилинган ҳар бир харажат суммаси дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет 22618 - «Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари»

Кредит 10107 - «Банкоматлардаги нақд пуллар»

40. Банкоматдаги қолган ёки тўловга яроқсиз нақд пулларни банкка қайтарилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

Кредит 10107 - «Банкоматлардаги нақд пуллар»


41. Банкоматга ортиқча қўйилган ёки тўловга яроқсиз нақд пулларни 10101-«Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағига кирим қилинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 - «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17301 - «Транзит ҳисобварақлари»

VII. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида жойлашган шохобча ва мини-банкларида кирим ва чиқим амалларини амалга оширишга доир бухгалтерия ҳисоби

42. Ҳар бир банк биносида ва биносидан ташқарида жойлашган шохобчасига, минибанкига талаб қилинган мадад пулини ўз вақтида ва сўралган миқдорда тақ-



МАҚСАДИМИЗ – САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Газетхонларимизни чет эл банкларининг мамлакатимиздаги фаолияти билан таништиришда давом этамиз.

Яқинда Bankgesellschaft Berlin AG банкининг Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари бўйича минтақавий директори жаноб Йохен Вильденхайн амалий ташриф билан Тошкентга келди. Ташриф чоғида Bankgesellschaft Berlin AG келгусида ҳамкорлик қилишни режалаштираётган Ўзбекистоннинг бир қатор йирик тижорат банклари, шунингдек бир қанча ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Ташриф давомида ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек Ўзбекистон банклари билан биргаликда молияланган лойиҳаларнинг ҳолати муҳокама қилинди.

Биз жаноб Йохен Вильденхайн ва Bankgesellschaft Berlin AGнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Азиз Иномхўжаев билан учрашдик.

- Сизнинг Ўзбекистонга бу галги ташрифингиз боиси нима?

Е. Вильденхайн: Банкмиз Ўзбекистонда каттагина ҳажмда кредитларга эга. Бошқа чет эл банкларига қараганда бизнинг мавқеимиз жуда яхши. Табиийки, бу кредит портфелини кузатиб туриш, ривожлантириш ва кенгайтириш зарур. Шу сабабли биз Берлиндан мунтазам равишда келиб тураемиз ва алоқаларимизни кенгайтириш имкониятларини, мамлакатдаги молиявий вазиятни ўрганишимиз. Бунда, турган гапки, фақат рақамлар, яъни йиллик ҳисоботларгина эмас, балки шахсий учрашувлар, менежмент билан боғлиқ масалалар ҳам муҳим рол ўйнайди.

- Банкингиз Ўзбекистонда қанчадан бери фаолият кўрсатаётганини ва Тошкент шаҳрида банк ваколатхонасини очиб нима сабабдан зарур бўлиб қолганини сўзлаб берсангиз.

Е. Вильденхайн: Биз Bankgesellschaft Berlin AG Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб ўз ваколатхонасини очган чет эл банкларидан эканлигини фахрлилик айтаемиз. Фаолиятимизни 1994 йил феврал ойида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ваколатхонасини очишдан бошлаганимиз. Бу воқеа Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Германияга қилган биринчи расмий ташрифнинг самараси бўлди. Ваколатхонанинг вазифаси сугурта компаниялари ҳомийлигида кредитлашга таклиф қилинаётган лойиҳаларни ўрганиш, немис экспортчилари ва уларнинг маҳаллий шерикларига маслаҳатлар бериш, шунингдек маҳаллий тижорат банклари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги молиявий-иқтисодий вазиятни ўрганишдан иборат. 2004 йилда Ўзбекистонда ваколатхона очилганлигининг 10 йиллик юбилейини нишонладик ва шу муносабат билан Ўзбекистонга бошқарув аъзоси жаноб Крушинский бошчилигидаги банкмиз делегацияси келди.

- МДҲга аъзо бўлган бошқа мамлакатларда, хусусан Марказий Осиёда банкингиз ваколатхоналари борми?

Е. Вильденхайн: Ҳозирги пайтда Ҳамдўстлик мамлакатларида банкмизнинг тўртта ваколатхонаси ишлаб турибди. Шулардан иккитаси Марказий Осиёда. Булар Тошкентдаги, шунингдек Алматыдаги ваколатхоналардир. Ваколатхоналарнинг бундай жойлашуви Марказий Осиё минтақаси жуда катта салоҳиятга ва шунга мувофиқ биз учун катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

- Bankgesellschaft Berlin AGнинг Ўзбекистондаги фаолияти Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда олиб борилаётган ишга нисбатан қандай хусусиятларга эга?

Азиз Иномхўжаев: Бизни Ўзбекистондаги шерикларимиз билан кўп йиллик амалий ва дўстона муносабатлар боғлаб туради. Биз биргаликда бир қатор йирик ва муҳим лойиҳаларни амалга оширдик. Йиллар ўтиши билан муносабатларимиз борган сари қалинлашмоқда. Баъзи шерикларимизни эса, мен янги банклар ҳақида сўзлашганимиз, тузилган куниданоқ кузатиб келаяпмиз ва уларнинг ҳар бир муваффақияти бизни жуда қувонтирмоқда. Шунингдек, шерик банкларнинг ходимлари банкмизнинг Берлиндаги бош офисида ташкил этилган стажировкалар ва семинарлар вақтида ўз малакаларини оширишмоқда ва

тажриба орттиришмоқда.

Биз бундан кейин ҳам шерикларимиз сонини кўпайтиришмоқчимиз, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси банкларининг ривожланишини қизиқиш билан кузатишмоқдамиз. Шунингдек керакки, яқин вақтгача инвестиция лойиҳалари фақат Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати остида, вакил банклар орқали кредитланар эди. Ҳозир концерн айрим инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистоннинг ишончли тижорат банклари орқали ҳукумат кафолатисиз ҳам, "Гермес" компаниясининг сугурта ҳимояси остида молиялашга тайёр. Бунга тиббиётда ишлатиладиган шиша идишлар ишлаб чиқарувчи "Фармглас" ҚК лойиҳаси мисол бўла олади. Бу лойиҳа "Асака" банки билан биргаликда ва "Ўзфармасаноат" ДАК мададида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, биз йирик давлат корхоналарини тўғридан-тўғри молиялаш имкониятини кўриб чиқишга тайёримиз.

- Ҳозир банкингиз Ўзбекистондаги устувор фаолият йўналишлари нималардан иборат?

Азиз Иномхўжаев: Шунингдек керакки, банк республикадаги ўз фаолиятини савдо операцияларини молиялашдан бошлади, сўнгра эса 1995 йилда кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, шунингдек туризм соҳасидаги узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини кредитлашга ўтди. Ҳозирги пайтда биз асосий эътиборни давлат экспорт кредит агентликлари (ЭКА) ҳимоясида узоқ муддатли лойиҳаларни кредитлашга қаратаемиз. Лекин айна вақтда савдо операцияларини молиялаш ҳам эътибордан четда қолдираётганимиз йўқ.

- Ўзбекистонда амалга оширилган баъзи лойиҳаларни санаб бера оламанми?

Азиз Иномхўжаев: Ҳозиргача бизда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистоннинг олтинга банк билан ЭКА ҳимоясида лойиҳалар амалга ошириш учун умумий кредит битимлари имзоланди. Кредит портфелимизда ушбу банклар билан амалга оширилаётган 25 тадан ортиқ лойиҳа бўлиб, улар бугунги кунда деярли 200 млн. еврога ташкил этади. Биз 1995 йилда "Шодлик" меҳмонхонасини реконструкция қилиш, 1998 йилда Фарғона фуран бирикмалари заводи учун немис технология ускуналарини етказиб бериш, 1998 йилда нometалл қувурлар ишлаб чиқарадиган "Хобас ТАПО" ҚК лойиҳасини молиялаш, 1999 йилда "Навоийазот" ИБда каустик сода ишлаб чиқариш учун ускуналар етказиб беришни молиялаш каби лойиҳаларни, шунингдек республика учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бошқа бир қатор устувор инвестиция лойиҳаларини ҳам амалга оширдик.

- Яқинда газетамиз Commerzbank AG ваколатхонаси раҳбари жаноб Торстен Эрдманн билан суҳбатни эълон қилди. Сизнингча, банкингиз олиб бораётган иш Commerzbank AGнинг Ўзбекистондаги фаолиятдан қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?

Е. Вильденхайн: Биз жаноб Эрдманн билан суҳбатни эъри қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Германиянинг учта банки ўз ваколатхонасига эга. Гарчи бирорта ҳам мамлакат бу ерда шунча миқдорда ўз банкига эга бўлмаса-да, янада кўпроқ Германия банкларини мамлакатингизда кўришдан хурсанд бўлардик. Ҳозирги пайтда биз кўпроқ бир-биримизни тўлдирадиган вазифаларни бажараяпмиз, кимдир савдонини молиялаш соҳасида фаолроқ ишла-

япти, кимдир лойиҳани молиялашдан кўпроқ манфаатдор ва ҳоказо. Аввало шунингдек керакки, Коммерцбанк ва биз, шунингдек Ўзбекистонда ваколатхона очган бошқа бир немис банки – Дрезденер банк Ўзбекистон Республикаси билан ГФР ўртасида ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Бизнинг немис мижозларимиз Ўзбекистон компаниялари билан қанча кўп ҳамкорлик қилса, бизнинг хизматларимизга талаб шунча ортади. Шу сабабли 2005 йилда Германия билан Ўзбекистон ўртасида товар айланмаси анча ўсганлиги бизни айниқса қувонтирмоқда.

- Ўзбекистондаги шерикларингиз билан амалий алоқаларингиз қандай ташкил этилмоқда?

Е. Вильденхайн: Ваколатхонамиз ҳар доим ўзбекистонлик шериклар билан амалий алоқаларни ҳурмат ва мамнуният билан қўллаб-қувватлайди. Бу алоқалар энг аввало ҳалол, ошқора ва узоқ муддатлидир. Биз бир-биримиз учун ишончли ва синовдан ўтган шерикларимиз, муносабатларимиз йиллар давомида қарор тоғди ва тўпланган тажриба туғилаётган масалаларни тез ҳамда кечиктирмасдан ҳал қилиш имконини бермоқда.

- Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ҳақида сўз борар экан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни экспортга йўналтириш учун имкон қадар ҳамма ишлар қилинаётганлигини кўрсатиб ўтишимиз керак. Сиз, банк тизимининг мутахассиси сифатида, кичик бизнес маҳсулоти халқаро бозорга чиқишини енгиллаштириш учун нималарни тавсия этган бўлардингиз?

Е. Вильденхайн: Худди шундай жараённи Германияда ҳам кузатаемиз. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари чиндан ҳам салмоқли даражада иш жойларини яратди. Шунингдек керакки, кичик ва ўрта бизнесдаги иш билан бандлик йирик компаниялардаги иш билан бандликка қараганда юқоридир. Бу биринчидан. Иккинчидан, биз глобаллашув шароитида яшаяпмиз ва бу билан ҳисоблашув керак. Бу эса Германия учун ҳам баъзан сотиш бозорлари ўзгариши сабабли ишлаб чиқаришнинг Германиядан бошқа мамлакатларга ўтаётганлигини англатади. Сармоя ҳамма вақт қулайроқ ишлаб чиқариш шароитини қидиради. Айтайлик, Чехиядаги харажатлар Германиядагига қараганда анча кам. Шунда, табиийки, сармоядорда мамлакат чегарасидан ташқарига интилиш пайдо бўлади. Лекин майда бизнес корхоналари маҳаллий функцияларни бажаради. Улар, қойда тарихида, халқ хўжалигининг халқаро аҳамиятга эга бўлмаган тармоқларида ишлайди. Шу сабабли қайси тармоқлар ҳақида гап бораётганлигини аниқлаштириш, дунё кўламида хўжаликни ўрганиш керак, ана шундан кейин ҳар қайси мамлакат ўзи ривожлантирмоқчи бўлган тармоқларни танлаб олиши, қаерга эса чет эл сармоясини жалб этиш кераклигини белгилаши зарур. Бунда, табиийки, кичик ва ўрта бизнеснинг роли аҳамиятга эга.

Назаримда, кичик ва ўрта бизнес халқаро савдо учун бундай кучга эга эмас. Менга қолса, кичик ва ўрта бизнесни бўлиш керак. Анча йирик бўлган ўрта бизнес халқаро савдода қатнашиш учун зарур одам ва моддий ресурсларга эга. Кичик бизнес (хунармандчилик, гўштни қайта ишлаш, пишириқлар пишириш ва бошқалар) — бу маҳаллий бизнесдир. Ўрта бизнесга келсак, етарли миқдорда одамлар, ресурслар, транспорт имкониятлари ва ҳоказолар мавжудлигини аниқлаш ва шундан кейингина у ёки бу лойиҳани ривожлантиришга пул сарфлаш керак.

- Bankgesellschaft Berlin AG яқин бир неча йилда Ўзбекистонда қандай режаларни амалга оширмоқчи?

Е. Вильденхайн: Биз, шубҳасиз, бундан буён ҳам шерикларимиз билан ҳамкорлик қилаверамиз ва шерикларимиз доирасини, шунингдек кўрсатилаётган банк хизматлари рўйхатини кенгайтираемиз. Бундан ташқари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши келгусида молиялаш чимикларини қисқартиришимизга ва молиялашнинг бошқа янада қулайроқ схемаларидан фойдаланишимизга имкон беришига умид қилаемиз. Бу эса, турган гапки, ўз навбатида кредит баҳосига ижобий таъсир кўрсатади.

- Қизиқarli суҳбатингиз учун раҳмат.

Мария ВРУБЕЛЬ ёзиб олди.

2006 йил 1 августдан 7 августгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*



1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси

02.08.2006 й.да - 26,84 росс. рубли
03.08.2006 й.да - 26,76 росс. рубли
05.08.2006 й.да - 26,77 росс. рубли

Украина

31.07.2006 й.да - 5,0500 гривна
01.08.2006 й.да - 5,0500 гривна
02.08.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси

01.08.2006 й.да - 2142,75 бел. рубли
02.08.2006 й.да - 2142,75 бел. рубли
03.08.2006 й.да - 2143,00 бел. рубли
07.08.2006 й.да - 2143,00 бел. рубли

Эстония

01.08.2006 й.да - 12,2718 крона
02.08.2006 й.да - 12,2182 крона
03.08.2006 й.да - 12,2637 крона
07.08.2006 й.да - 12,1465 крона

Латвия

01.08.2006 й.да - 0,5458 лат
02.08.2006 й.да - 0,5433 лат
03.08.2006 й.да - 0,5454 лат
07.08.2006 й.да - 0,5401 лат

Литва

01.08.2006 й.да - 2,7083 лит
02.08.2006 й.да - 2,6966 лит
03.08.2006 й.да - 2,7064 лит
07.08.2006 й.да - 2,6807 лит

Молдова

01.08.2006 й.да - 13,3900 лей
02.08.2006 й.да - 13,4300 лей
03.08.2006 й.да - 13,3950 лей
07.08.2006 й.да - 13,3850 лей

Қирғизистон Республикаси

05.08.2006 й.да - 39,8536 сом

Тожикистон Республикаси

02.08.2006 й.да - 3,3709 сомоний
03.08.2006 й.да - 3,3685 сомоний
04.08.2006 й.да - 3,3685 сомоний

Қозғистон Республикаси

01.08.2006 й.да - 119,02 тенге
02.08.2006 й.да - 118,94 тенге
03.08.2006 й.да - 119,80 тенге
07.08.2006 й.да - 120,75 тенге

Швейцария

01.08.2006 й.да - 1,2332 швейц. франки
02.08.2006 й.да - 1,2283 швейц. франки
03.08.2006 й.да - 1,2342 швейц. франки
07.08.2006 й.да - 1,2219 швейц. франки

Япония

01.08.2006 й.да - 114,64 япон иенаси
02.08.2006 й.да - 114,47 япон иенаси
03.08.2006 й.да - 115,12 япон иенаси
07.08.2006 й.да - 114,52 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги

Буюк Британия


01.08.2006 й.да - 1,8662 АҚШ долл.
02.08.2006 й.да - 1,8745 АҚШ долл.
03.08.2006 й.да - 1,8703 АҚШ долл.
07.08.2006 й.да - 1,9059 АҚШ долл.

1 евро

Евроминтақа

01.08.2006 й.да - 1,2743 АҚШ долл.
02.08.2006 й.да - 1,2803 АҚШ долл.
03.08.2006 й.да - 1,2752 АҚШ долл.
07.08.2006 й.да - 1,2877 АҚШ долл.

* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Банкларда асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг зарурлиги шундаки, биринчидан, тижорат банкларининг асосий воситаларга қилган қўйилмалари даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади ва банкнинг жорий ликвидлигини сезиларли даражада пасайтиради; иккинчидан, халқаро Базел стандарти бўйича тижорат банкнинг асосий воситалари 100 фоиз риск даражасига эга бўлган актив ҳисобланади, шу сабабли, асосий воситаларга қилинган банк инвестициялари ҳажмининг ошиши тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражасини пасайтиради; учинчидан, асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини тўғри ташкил этиш асосий воситаларни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Айни вақтда, республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда сезиларли муаммолар мавжуд. Жумладан, асосий воситаларни сотишга сарфланган хорижий валюталар валюталарнинг алмашув курсларини ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмас-да, уларни банкнинг балансига кирим қилишда позиция ҳисобрақами (17101) ишлатилмоқда. Бундан ташқари, айрим тижорат банкларида асосий воситаларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 10 фоиздан ошмоқда. Бу эса, нисбатан юқори даража бўлиб, банк активларининг даромадлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси банклари бухгалтерия ҳисобининг амалдаги тизими кўп валютали тизимга асосланган. Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳар бир валюта бўйича дастурий тарзда алоҳида Бош китоблар (БК) юритилади, яъни БК оборотида валютанинг қанча тури мавжуд бўлса, шунча БК очилади. Ҳар бир БК да банк операциялари ҳисобининг тўлиқ юритилишини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда баланс ҳисобварақлари очилади. Ҳар бир баланс ҳисобварақига аналитик ҳисобни ташкил этиш учун миқдорларга, операциялар турлари ва бошқа тегишли белгилари бўйича керакли миқдордаги ёрдамчи китоблар (шахсий ҳисобварақлар) очилади. Банклар ҳар бир иш куни якунида ёрдамчи китоблардаги жами якуний суммалар маълумотларининг ҳар бир валюта бўйича юритилган БКдаги тегишли баланс ҳисобварақларининг жами якуний суммасига мос келишини таъминлаши шарт.

Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида банкнинг асосий валюталари, даромадлари ва харажатларининг ҳисоби фақат миллий валютада юритилади.

Шуниси характерлики, битта валютада амалга оширилган операциялар фақатгина ушбу валютанинг БКига ёзилади. Масалан, АҚШ долларларида амалга оширилган операциялар АҚШ долларларидаги БКда, сўмда амалга оширилган операциялар эса сўмдаги БКда ҳисобга олинади.

Валюта кросс-операцияси иккита валютани ўз ичига олади.
а) Иккита валютани ўз ичига оладиган операциялар ушбу валюталардаги ҳар бир БКда валюта позициясининг тегишли ҳисобварақларига алоқадор бўлган бухгалтерия ёзувлари ёрдамида баланслаштирилади.

б) Чет эл валютаси ва сўмда амалга оширилган операциялар чет эл валютасидаги БКда ва сўмдаги БКда ёзилади.

в) Икки турдаги чет эл валюталарида амалга оширилган операциялар ушбу икки валютага тегишли БКларга ёзилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча тижорат банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларни бухгалтерия ҳужжатларида расмийлаштириш энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг талабларига бўйсунди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1997 йил 21 июндаги 61-сонли "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида" ги йўриқ-номаси, 1997 йил 24 октябрдаги 363-сонли "Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасив қисмларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоида-си" ҳам республикамиз тижорат банкларида бухгалтерия

ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банкларида Марказий банкнинг амалдаги 61-сонли йўриқ-номасига асосан, банкларга тегишли бўлган асосий воситалар банк балансининг актив қисмидаги биринчи тартибли «Банкнинг асосий воситалари» ҳисобварағида, иккинчи тартибли баланс ҳисобварақларининг қуйидаги шахсий ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

- «Банк биноси - ер»;
- «Тугалланмаган қурилиш»;
- «Банкнинг бинолари ва бошқа иморатлари»;
- «Транспорт жиҳозлари»;
- «Мебел, мослама жиҳозлар»;
- «Номоддий активлар»;
- «Ижарага берилган асосий воситалар».

Юқориди айтилган ҳисобварақлар бўйича асосий воситаларнинг ҳисоби қўшимча бухгалтерия дафтарларида, варақчаларда, шунингдек, дафтарларда юритилади.

Барча асосий воситалар балансда дастлабки қиймат бўйича, яъни уни сотиб олиш ёки қуриш харажатлари суммасида сўм ва тийинларда ҳисобга олинади. Бунда мазкур асосий воситаларни келтириш ва ўрнатиш харажатлари ҳам шу суммага қўшилади.

Тижорат банкларида асосий воситаларнинг аудитини ташкил қилишда эътибор қаратиладиган асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

1. Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш операцияларини бухгалтерия ҳужжатларида тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш.

Бунинг учун асосий воситалар билан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳисобрақами бўйича кўчирма олиб таҳлил қилинади. Бундан ташқари, банкка тегишли мулкларни баҳолаш бир қатор ҳужжатларни текшириб чиқишни талаб қилади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

- асосий воситаларни фойдаланишга топшириш ва ҳисобдан чиқариш далолатномалари;
- қайднома карточкалари ва ҳисобга олиш журнали;
- бирламчи ҳужжатлар (юк хатлари, товар чеклари ва ҳ.к.);
- қайта баҳолаш ва амортизация ведомостлари;
- шартномалар, сметалар ва капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар;
- асосий воситалар ҳисобрақамларидан кўчирмалар.

2. Ҳисобот санасига аналитик ва синтетик ҳисобларнинг ўзаро мувофиқлигини текшириш.

3. Асосий воситаларни қайта баҳолашни тўғри амалга оширилганлигини текшириш.

Бунда қайта баҳолаш ведомостлари тегишли ҳисобрақамларининг кўчирмалари билан солиштирилади, у ёки бу коэффициентдан қайта баҳолаш жараёнида тўғри фойдаланилганлиги текширилади.

4. Асосий воситаларга амортизация ажратмасини тўғри ҳисобланганлигини текшириш. Шунингдек, амортизация ажратмаларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилганлиги ҳам текширилади.

5. Капитал қурилишнинг бухгалтериясини тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш. Бунда текшириш учун ҳужжалик шартномаларидан, ижара шартномаларидан, сметалардан, асосий воситаларни фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги далолатномалардан ҳисобрақамлари бўйича олинган кўчирмалардан фойдаланилади.

6. Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилганлигини, лизингга берилган ускуналарнинг амортизация ажратмаларини тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлигини, уларнинг даромадлилик даражасини текшириш.

7. Асосий воситаларни сотиб олишда қўшилган қиймат солиғини тўғри ҳисобланганлигини текшириш.

Тижорат банклари томонидан асосий воситалар сотиб олинаётганда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бюджет билан ҳисоб-китобларга кирмайди, балки асосий воситанинг баланс қийматида ҳисобга олинади ва эскириш суммаси орқали

харажатга олиб борилади.

8. Мулк солиғини тўғри ҳисобланганлигини текшириш.
Банк балансига кирим қилинган асосий воситаларнинг ва банк балансига турган номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 56714 — «Солиқлар (даромад солиғидан бошқалари) ва лицензиялар» баланс ҳисобварағида, «Мол-мулк солиғи» деган алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

Солиқ ҳисоб-китоби бўйича банк қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади:

56714 — «Солиқлар (даромад солиғидан бошқалари) ва лицензиялар» дебети 29802 — «Тўлашга доир тўловномалар» кредити.

Ҳақиқатда тўлаш пайтида банк қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади:

29802 — «Тўлашга доир тўловномалар» дебети 10301 — «ЎзР МБ — Ностро корреспондентлик ҳисобварағидан олишга доир» кредити ёки ДСИ ҳисобварағи.

Бизнинг фикримизча, республикамиз тижорат банкларида асосий воситаларнинг аудитини такомиллаштириш қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади:

1. Асосий воситаларнинг аудити жараёнида республикамиз тижорат банкларининг асосий воситаларга қилинган қўйилмалари суммасининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлишининг олдини олиш лозим. Бунинг учун асосий воситаларни сотиб олиш ва қуриш харажатларини сезиларли даражада қисқартириш лозим.

Асосий воситаларга қилинган қўйилмалар ҳажмининг банкларда ўсиши, биринчидан, банк активларининг даромадлигига салбий таъсир кўрсатади; иккинчидан, банкнинг юқори рискли активлари миқдорининг ошишига олиб келади, бу эса, банк капиталининг етарлилик даражасини сезиларли пасайтириши мумкин. Германиянинг "Дойчебанк"да, Франциянинг "Креди Агрикол" банкида асосий воситаларнинг тижорат банклари брутто активлари ҳажмидаги салмоғи 2,5-3,0 фоизни ташкил этмоқда.

2. Асосий воситаларнинг аудити жараёнида асосий воситаларнинг бозор баҳосини реал аниқлаш, қайта баҳолаш коэффициентларини тўғри қўллаш, қўшилган қиймат солиғини тўғри ҳисоблашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

3. Лизингга берилган асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш мақсадида лизинг тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши устидан банк ички назорати ва аудитини кучайтириш лозим. Шу мақсадда лизингга берилган асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация ажратмаларининг лизинг шартномаси тугагандан сўнг янги асосий воситани тўлиқ қийматда сотиб олишга етишини таъминлаш лозим. Бунинг учун амортизация ажратмаларининг инфляцияцион рискка ва валюта рискка учраш даражасини аниқ ҳисоблаш ва ушбу риск даражаларига мос равишда уларни компенсация қилиш чораларини кўриш лозим.

Бизга маълумки, лизингга берилган асосий воситани тижорат банки тўлиқ қийматда сотиб олиш учун маблағ сарфлайди. Валюта rischi натижасида бу маблағ реал қийматининг пасайиши хавфи юзага келади. Инфляция таъсирида ҳам банкларнинг асосий воситаларни сотиб олиш учун сарфлаган маблағларининг реал қиймати пасаяди. Бундай шароитда лизингга олувчи томонидан тўланаётган амортизация ажратмалари суммасини инфляциянинг ўсиш суръати-га мос равишда индексация қилиш мумкин. Иккинчи томондан, валюта rischi натижасида амортизация ажратмалари реал қийматининг йўқолишини олдини олиш мақсадида амортизация ажратмаларига нисбатан валюта писандасини қўллаш лозим.

Акбаржон БОЗОРОВ,
Банк-молия академияси тингловчиси.

«Banklararo maslahat xizmati» kompaniyasi tomonidan 2006 йил 8 август ҳолатига ҳисобланган UZIBOR, UZIBID ва UZIAR

Номи	1 кун		1 hafta		1 ой		2 ой		3 ой		6 ой		9 ой		12 ой	
	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid
"Асака" банки	7↑	5↓	10↑	7↑	11↑	8↑	12↑	10↑	12↑	10↓	13↑	11↑	13↑	11↓	14↑	12↑
"Капиталбанк"	10↑	9↑	12↓	11↑	13↑	12↑	14↑	13↑	15↑	14↑	15↑	15↑	16↑	15↑	16↑	15↑
"Ғаллабанк"	8↓	7↓	9↓	8↓	9,5↓	8,5↓	10↓	9↓	10,5↓	9,5↓	11↓	10↓	12↓	11↓	13↓	12↓
"Ипак йўли" банки	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
"Ипотека банк"	10↓	8↓	11↓	9↓	12↓	10↓	13↓	11↓	14↓	12↓	14↓	12↓	16↑	14↑	16↓	14↓
Халқ банки	10↓	8↓	12↓	10↓	14↓	12↓	14↓	12↓	14↓	12↓	14↓	12↓	14↓	12↓	14↓	12↓
ЎзР ТИФ МБ	6,5↓	4,5↓	8,5↓	5,5↓	10,5↓	7,5↓	11↓	8↓	11,5↓	8,5↓	12↓	9↓	12,5↓	9,5↓	13↓	10↓
"Пахта Банк"	8	n/a	9	n/a	11	n/a	12	n/a	13	n/a	14	n/a	15	n/a	16	n/a
"Равнақбанк"	11↑	8↑	15↑	14↑	16↑	15↑	16↑	15↑	17↑	16↑	17↑	16↑	17↑	16↑	18↑	17↑
"Трастбанк"	10↑	5↓	12↓	6↓	15↑	7↓	15,5↑	7,5↓	16↑	8↓	17↑	9↓	17↓	10↓	18↑	11↓
Ў.Т банк	12↑	8↓	13↑	9↓	14↑	10↓	14↓	10,5↓	15↓	12↓	15↓	13↓	16↓	14↓	17↓	15↓
"Ўзлаоатқурилишбанк"	10↓	7↓	11↓	8↓	12↓	9↓	13↓	10↓	14↓	11↓	15↓	12↓	16↓	13↓	16↓	13↓
UZIBOR	9,6↑		11,2↑		12,4↑		13,2↑		14↑		14,4↓		15,4↑		15,6↑	
UZIBID	7,5↑		8,5↑		9,38↑		10,38↑		11,25↑		11,75↑		12,5↑		12,75↑	
UZIAR	8,55↑		9,85↑		10,89↑		11,79↑		12,63↑		13,08↑		13,95↑		14,18↑	

Offer — сотиш; Bid — харид қилиш

«ОЛМАЛИК КМК»ДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ДЕЯРЛИ 75 ФОИЗ ЎСДИ

2006 йилнинг январ-июн ойларида «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖда (ОКМК, Олмалик ш., Тошкент вил.) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пул ҳисобида 2005 йилнинг шу давридагига қараганда 74,7 фоиз ўсиб, 462,8 млрд. сўмни ташкил қилди. ОКМК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Сергей ДАБИЖА шуни хабар қилди.

Яна у ҳисобот даврида комбинат товар-маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режани амалдаги нархларда 101,5 фоиз, мис бўйича – 100,7 фоиз, олтин бўйича – 101,9 фоиз, кумуш бўйича – 104,8 фоиз, олтингургурт кислотаси бўйича – 116,4 фоиз, мис купороси бўйича – 106,9 фоиз қилиб бажарганлигини айтди.

«Олмалик КМК» ОАЖ маҳсулот сотиш ҳажми шу йилнинг биринчи ярмида 2005 йилнинг шу давридагига қараганда 80,8 фоиз ўсиб, 475 млрд. сўмликни ташкил қилди, шу жумладан экспорт 63,8 фоиз ўсиб, 236,7 млн. АҚШ долларига етди.

Кон-металлургия комбинати белги-

ланган қурилишлар бўйича 2006 йил январ-июн ойларида 25,5 млрд. сўмлик ҳажмда инвестицияларни ўзлаштириш назарда тутилган эди. Амалда эса 25,7 млрд. сўм ўзлаштирилди ёки режа 100,7 фоиз қилиб бажарилди, деб қўшимча қилди С. Дабига.

ОКМК Ўзбекистонда мис ишлаб чиқарилган бирдан-бир корхона бўлиб, мис-молибден ва кўрғошин-рух конларини қазиш ҳуқуқига эга. Шунингдек унинг ҳиссасига республикада ишлаб чиқарилаётган кумушнинг қарийб 90 фоизи ва олтиннинг 20 фоизи тўғри келади.

«Олмалик КМК» ОАЖнинг устав фон-

ди 89,687 млрд. сўм ҳисобида ташкил этилган бўлиб, бу маблағ номинали 1 минг сўм бўлган 87,445 млн. дона оддий акция билан таъминланган. Бу акцияларнинг ҳаммасига Давлат мулки қўмитаси эгалик қилади. Бундан ташқари комбинат 2,242 млн. дона имтиёзли акция чиқарган бўлиб, булар қарийб 22 минг жисмоний шахс орасида жойлаштирилган.

2005 йил якунлари бўйича оддий акцияларга номиналнинг йиллик 6,26 фоизи ҳисобидан, имтиёзли акцияларга эса 30 фоизи ҳисобидан дивидендлар ёзилди. 2004 йилда бу рақамлар тегишлича 5,57 фоиз ва 30 фоиз бўлган эди.

ОКМКда умумий ишлаб чиқариш ҳажми 2005 йилда 2004 йилдагига қараганда 1,6 баравар кўпайиб, 581,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Хусусан, комбинатда натурал ҳолда мис ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 110,9 фоизни, кумуш ишлаб чиқариш 103,6 фоизни, олтин ишлаб чиқариш 103,9 фоизни ташкил қилди.

Олмалик кон-металлургия комбинати маҳсулотини экспорт қилиш ўтган йили 2004 йилдагига қараганда 32,8 фоиз ўсиб, 308,9 млн. АҚШ долларига етди. Бу эса ўз навбатида тахмин қилинган кўрсаткичлардан 44 фоиз кўпдир.

«Туркистон-пресс» НАА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

• Молия ва кредит, Халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;

• чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган;

• банк тизимида камида 3 йил иш стажига эга бўлган;

• Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган иқтисодчиларни танлов асосида

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мурожаат учун
телефонлар:
112-60-65,
112-58-78

«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ ЧЕМПИОН БЎЛДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Банклари ассоциацияси томонидан ташкил этилган 1-Банкларо Спартакиада бўлиб ўтмоқда. Спартакиада 28 августгача ўтказилади ва у Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланади.

Спартакиада доирасида спортнинг олти тури – баскетбол, мини-футбол, волейбол, сув спорти, стол теннис ва катта теннис бўйича мусобақалар ўтказилади.

29-30 июнда баскетбол бўйича биринчи турнир бўлиб ўтди.

Унда 9 жамоа: «Ипак йўли» банки, Марказий банк, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, «Капиталбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», Халқ банки, «Парвинабанк», «Асакабанк» ва «Пахта Банк» жамоалари иштирок этди.

Финалда «Ипак йўли» банки жамоаси «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси устидан галаба қозониб, баскетбол бўйича турнир чемпиони бўлди.

Назира МАВЛООВА.

НАВБАТДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

2006 йил 4 август кuni Халқаро ҳамкорлик марказида «Ўзбекистонда нефт ва газ секторини солиққа тортиш муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур давра суҳбатини ўтказишдан мақсад углеводородларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналарни солиққа тортишнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва давлат муассасалари ва қазиб чиқарувчи корхоналар вакиллари орасида конструктив мулоқот орқали уларнинг ечимини аниқлашдир. Шу билан бирга, давра суҳбатида қазиб чиқарувчи корхоналарни солиққа тортиш тизимини истиқболдаги ислохотлари бўйича фикр алмашилди.

Давра суҳбати БМТ Тараққиёт Дастурининг «Солиқ тизими ислохоти ва янги тахрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш» лойиҳаси томонидан Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси Иқтисодий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур масаланинг долзарблиги нефт ва газ секторидан солиқ ислохотида бўлган эҳтиёж билан белгиланди. Қазиб чиқарувчи корхоналар учун солиққа тортиш тизимидagi камчиликларни йўқотиш ва уларга солиқ имтиёзларини бериш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кундаги юқори солиқ юки инвесторларни жалб этмайди ва нефт захираларини тиклаш учун зарур геологик изланишларни ўтказиш учун маблағ қолдирмайди. Солиққа тортишнинг янги механизмлари орқали солиқ юкиннинг пасайиши туфайли мазкур соҳа маҳаллий инвесторларнинг ҳам, хорижий ҳамкорларнинг ҳам эътиборини жалб қилиши мумкин. Бу қазиб чиқарувчи тармоққа сармоялар киритилишига ёрдам бериб, углеводородлар қазиб чиқарилиши ҳажмини кўпайтиришига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Давра суҳбатида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, миллий нефт ва газ саноати вакиллари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган хорижий нефт ва газ компаниялари ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда солиққа тортиш ва солиқ маъмурияти соҳаси мутахассислари иштирок этишди.

Тадбир давомида, Ўзбекистон Республикасининг нефт ва газ сектори истиқболлари ва муаммолари, халқаро амалиётда ер қаъридан фойдаланувчиларни ресурс солиқлари билан солиққа тортиш, ҳозирги кундаги қазиб чиқарувчи корхоналарни солиққа тортиш тизими муаммолари, жумладан фойдали қазилмалар солиғи, фойда солиғи, қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, хорижий юридик шахслар-Ўзбекистон норезидентлари даромадларини солиққа тортиш, ресурслар солиқлари соҳасида фойдали қазилмалардан фойдаланувчиларни солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича бир неча мавзулар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари қатнашчилар ЛУКОЙЛ Оверсиз Сервис ЛТД -Россия компаниясининг Москвадаги ваколатхонаси ва Малайзиянинг PETRONAS Carigali Sdn Bhd компаниясининг штаб-квартирасидан келган хорижий экспертларнинг маърузасини тингладилар.

Давра суҳбати якунида янги тахрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш бўйича ҳукумат ишчи гуруҳига топшириш учун углеводородлар қазиб чиқарувчи корхоналарни солиққа тортишга оид тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Иброҳим ХОЛИҚОВ.

ЗАРБҲОНА

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Корея Халқ Демократик Республикасининг пул бирлиги – Шимолий Корея вонини бўлиб, у 100 чонга тенг. Эмитент КХДР Марказий банкидир. Муомалада номинали 10 чон, 1, 5, 10, 50, 100, 200, 500, 1000 ва 5000 вон бўлган банкнотлар юради. Банкнотларнинг кўпчилигида илҳомланган корейс меҳнаткашлари, йирик пулларда – республика президенти Ким Ир Сеннинг портрети тасвирланган. Банкнотлардаги ҳамма матнлар корейс тилида ёзилган.

Номинали 500 вон бўлган банкнотнинг (2005 йилги модификация) олд томонида Ким Ир Сен мемориали тасвирланган. Орқа томонида осма кўприк тасвири туширилган. Банкнот Шимолий Корея ташкил этилганлигининг (1945 йил) 60 йиллигига бағишланган. Янги банкнот, умуман олганда, 1998 йилги купюрани такрорлайди, ўнг томонида мемориал тасвирининг юқорисидан тематик матн қўшилган. Банкнотда сув белгиси йўқ. Ҳимоя ипи ҳам йўқ. Асосий ранглар – кулранг, оч-яшил ва оч-жигарранг.

Номинали 5000 вон бўлган банкнотнинг (2005 йилги модификация) ўнг томонида Ким Ир Сен портрети жойлаштирилган. Орқа томонида у турилган уй тасвирланган. Банкнот Шимолий Корея ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган. Янги банкнот 2002 йилги купюрани тўлиқ такрорлайди, фақат ўнг то-

монда сув белгисидан юқорида тематик матн қўшилган. Банкнот сарой кўринишидаги сув белгиси билан ҳимояланган. Ҳимоя ипи йўқ. Асосий ранглар – кулранг ва нафармон ранглардир.

КАМБОДЖА

Камбоджанинг пул бирлиги риел бўлиб, у 100 суга тенг. Эмитент Камбоджа Миллий банкидир. Мамлакат ҳудудида АҚШ доллари ва Таиланд бати ҳам эркин суратда тўловга қабул қилинади. Муомалада номинали 0,1 риелдан 100 000 риелгача бўлган банкнотлар юради. Банкнотларни безатишда энг машҳур мавзулар - қирол Народно Сианук ва миллий меъморчилик ёдгорликларидир.

Номинали 500 риел бўлган банкнотнинг (2004 йилги банкнотнинг янгиланган тури) ўнг томонида Ангкор-Ват ибодатхонаси тасвирланган. Орқа томонида Кизун кўпригининг тасвири туширилган. Банкнот бутун юзаси бўйлаб вертикал тарзда жойлаштирилган камбоджа тилидаги матндан иборат сув белгиси билан ҳимояланган. Банкнотда Ҳимоя ипи йўқ. Асосий ранглар - қизил-жигарранг ва нафармон ранглардир.

Номинали 1000 риел бўлган банкнотнинг (2005 йилги серия) олд томонида Байон ибодатхонаси тасвирланган. Орқа томонида лимон ва порт тасвири туширилган. Банкнот бутун юзаси бўйлаб нақш кўринишидаги сув белгиси билан ҳимояланган. Банкнотда Ҳимоя ипи йўқ. Асосий ранглари - кўк-яшил ва жигарранглардир.

«Деньги» журнали материаллари асосида тайёрланди.

БАНА АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодий ва
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш «Заковат»
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

Ўза, «Туркистон-пресс» НАА,

«Иқтисодий ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

131-13-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tsht.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-1003

Тираж 5386 нусха.

Босишга рухсат этилди

8.08.2006 й.